

РЕАБИЛИТАЦИЯ МАСАЛАСИНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА АСОСИДА ТАҲЛИЛИ

Ибадуллаев Бобур Камилжонович

Investitsiyalar, sanoat va savdo vazirligining

komplaynes bolimi boshligi

email: bobur_law@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.16829109>

Аннотация: мазкур мақолада жиноят процессида реабилитацияга оид ҳуқуқий мезонлар, халқаро ҳуқуқий меъёрлар, назарий асослар ва кўплаб ривожланган хорижий давлатлардаги амалий ёндашувлар илмий таҳлил қилинган. Маълумотлар асосида реабилитациянинг ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва психологик шакллари кенг қамраб олинади ва унинг халқаро жамиятдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратилади.

Калит сўзлар: реабилитация, суд-тергов амалиёти, компенсация, халқаро стандартлар, ижтимоий адолат, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар, конвенция, ижтимоий суғурта.

Аннотация: В данной статье проводится комплексный научный анализ правовых критериев реабилитации в уголовном процессе, международных правовых норм, теоретических основ, а также практических подходов, применяемых во многих развитых зарубежных странах. Основываясь на собранных данных, подробно рассматриваются правовые, экономические, социальные и психологические аспекты реабилитации, а также уделяется особое внимание её роли и значению в международном сообществе.

Ключевые слова: реабилитация, следственно-судебная деятельность, компенсация, международные стандарты, социальная справедливость, гражданские и политические права, конвенция, социальное страхование.

Abstract: This article presents a comprehensive scientific analysis of the legal criteria for rehabilitation in the criminal process, international legal standards, theoretical foundations, as well as practical approaches applied in many developed foreign countries. Based on the collected data, the legal, economic, social, and psychological aspects of rehabilitation are thoroughly examined, with special attention given to its role and significance within the international community.

Keywords: rehabilitation, criminal procedure, compensation, international standards, social justice, civil and political rights, convention, social insurance.

Жиноят процессида реабилитация бўйича халқаро тажрибага мувофиқ турли ривожланган мамлакатларда инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш, суд ва тергов хатоларини бартараф этиш ва айбсиз шахсларнинг ҳуқуқларини тиклаш масалаларида ўзига хос тизим яратилган. Жиноят процессида реабилитация шахс айбсиз деб топилганидан сўнг унинг ҳуқуқлари ва шаъни тикланишини, етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплашни назарда тутди. Бу жараён, айниқса, асоссиз равишда қамоққа олинган ёки судланган шахсларга тааллуқли ҳисобланади.

Реабилитация масаласи халқаро ҳуқуқий асослар ва айрим турдаги стандартларга асосланади.

Жумладан, 1966 йилда қабул қилинган “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги” Халқаро пактга мувофиқ агар шахснинг судланганлиги кейинги

босқичларда рад этилса ёки турли далиллар ёрдамаида айблов асосиз қўйилганлиги исботланса, ушбу шахсга қонун бўйича компенсация тўланиши зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

1950 йилда қабул қилинган “Европа инсон ҳуқуқлар” конвенциясига мувофиқ ҳар қандай нотўғри қамоққа олинган ва бу ҳолат қонун нормалари асосида исботланган хатолик ҳолатида юз берган бўлса, компенсациялаш механизмларини аниқ ва равшан белгилаб қўйилган.

Шунингдек, 2005 йилда БМТнинг “Жаҳонда инсон ҳуқуқ бузилишлари ва ҳарбий ҳуқуқнинг жиддий бузилишлари қурбонларига фаол чоралар кўриш ва реабилитациянинг асосий принциплари” Резолюциясида фуқаролик ва ҳарбий ҳуқуқ масалаларида хатолик туфайли жабр кўрган шахсларга реабилитация ва компенсация ҳуқуқини мустақамлаб қўйилган.

Шу билан бир қаторда, халқаро ҳамжамиятда реабилитация масаласини ҳал этишда адолат принципларини ўзида мужассамлаштирган ва турли кўринишлардаги компенсация моделлари ҳам мавжуд.

Масалан, “Type I” ва “Type II” хатолар назарияси юзасидан, Type II нотўғри судланганлик учун давлатнинг компенсация тўлаш мажбурияти ва бурчи ва бундай хатоларнинг жамиятга бўлган салбий таъсирини енгиллаштириш орқали текширув ва таҳлилий нуқтаи назардан қўллаш муҳим саналади. “Borchard”нинг назариясига кўра, нотўғри қамоқда сақланган шахсга ҳукумат томонидан давлат компенсацияси тўланиш зарурлиги таъкидланган ва “*eminent domain analogy*” кўринишида “ижтимоий суғурта” функциясини бажаради.

Реабилитация масаласини бир қатор ривожланган хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили асосида ҳам кўриб чиқамиз.

Германияда, “Criminal Compensation Act” асосида ҳар бир ноқонуний қамоқнинг ҳар бир куни учун €75 миқдорида тўлов амалга оширилади. Бу жараён маъмурий тартибда амалга оширилади ва аниқ механизмлар асосида белгилаб қўйилган ҳамда ушбу ҳолат ортиқча низоларни келтириб чиқармайди.

АҚШда турли штатларда реабилитация масаласини ҳар хил шаклларда моддий ёрдам турлари мавжуд. Масалан, Техасда ҳар йил учун \$80,000 миқдорда ҳаётга қайтиш, психотерапия ва касбга тайёрлаш дастурлари тақдим этилади. Флорида ва Мэриленд каби штатларда моддий ёрдам, психологик ёрдам, таълим ёрдами, саломатлик хизматлари мавжуд.

Канадада, реабилитация масаласи масъул шахслар расмий равишда узр сўраши, моддий компенсация ва ижтимоий интеграция дастурларини тақдим этилади. Масалан, Александр Давид Милгаард каби бир қанча нотўғри судланган шахслар учун \$10 миллиондан кўпроқ суммалар тўлаб берилган.

Нигерияда нотўғри қамоқ учун компенсация тўлашда ҳозирча юридик механизм мавжуд эмас.

Хулоса сифатида реабилитация масаласида халқаро ҳамжамиятда қуйидагилар муҳим аҳамият касб этади.

1. “Ижтимоий компенсация” тўлаш механизми орқали шахслар реабилитация қилинади.

2. Давлат томонидан ташкил этилган ва ишлаб чиқилган турли ижтимоий ва

хуқуқий дастурлар орқали реабилитация масалалари ҳал этилади.

3. Маънавий зарарни қоплаш юзасидан турли прецедентлар мавжуд.

4. Моддий зарарни қоплаш юзасидан турли прецедентлар мавжуд.

5. Зарарни қоплашда аниқ белгиланган суммалар асосида реабилитация масалалари ҳал этилади.

References:

Используемая Литература:

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. International Covenant on Civil and Political Rights (ICCPR), United Nations, 1966.
<https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/international-covenant-civil-and-political-rights>
2. European Convention on Human Rights (ECHR), Council of Europe, 1950.
https://www.echr.coe.int/documents/convention_eng.pdf
3. United Nations General Assembly Resolution 60/147 (2005), Basic Principles and Guidelines on the Right to a Remedy and Reparation for Victims of Gross Violations of International Human Rights Law and Serious Violations of International Humanitarian Law.
<https://www.ohchr.org/en/professionalinterest/pages/remedyandreparation.aspx>
4. Borchard, E. M. (1932). State Indemnity for Errors of Criminal Justice. Boston University Law Review, 12(3), 1-23.
5. Criminal Compensation Act (Strafrechtliches Entschädigungsgesetz, Germany).
https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_steg/index.html
6. Innocence Project. Compensation and Rehabilitation for the Wrongly Convicted in the United States. <https://www.innocenceproject.org/compensation-for-wrongful-conviction/>
7. Canadian Department of Justice. Compensation and Apology for Wrongful Conviction.
8. <https://www.justice.gc.ca/eng/rp-pr/csj-sjc/ccr-rrc/index.html>